

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Қ.Бозоров	
Андижоннинг сугорилиш тарихига доир муроҳазалар	81
У.Усаров	
ХІХ асрнинг иккинчи ярми – ХХ аср бошларида Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ва ер-сув муносабатлари.....	85
Б.Шодмонов	
Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилишининг тарихий босқичлари	90

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Акбаров	
“Кечиккан марҳамат” нинг бадиий ифодаси.....	98
Г.Қосимова	
Мемуар асарда муаллиф услуби ва ифода шакли	102
Б.Абдураҳмонова	
Оғаҳийнинг “Устина” ғазали матни устида ишлаш	105
В.Қаюмов, Б.Деҳқонов	
У.Ҳамдамнинг “Кўнглимдаги дарё” хикоясида дарё образи.....	110
О.Солиева	
Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (II қисм)	114

ТИЛШУНОСЛИК

Р.Сайфуллаева, П.Бобокалонов, Н.Ҳаятова	
Хорижий тилни ўргатишда психонейролингвистик ҳолат ва каноник моделли гапларнинг ўрни	119
З.Алимова	
Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган префикс ва суффикслар хусусида.....	124

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

М.Ахмедова	
Тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларида чет тилида қасбий-коммуникатив компетенцияни шакллантириш масалалари	128
М.Шокирова, Н.Абдуллаева	
Талабаларнинг чет тилида коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг фаолиятга асосланган ёндашуви.....	132
У.Хайдарова	
Талабаларнинг ёзма ишларига билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг аҳамияти	136

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Ўнг томони номаълум бўлган иккинчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масала	140
В.Расулов, Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова	
Яримўтказгичларда эффектив гамильтонианнинг нодиагонал матрицавий элементлари ҳақида	143
Х.Муидинов	
Қорақалпоғистон шароитида қорамол тери ости бўкаларининг турлари ва тарқалиши	147
Б.Усманов, Ш.Умурзакова	
Буғдор навлари сифатининг физик-кимёвий кўрсаткичлари	150
Ф.Юлдашев, Д.Обидова	
Ёшлиар камолотида инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари	153
А.Мамаджанов	
Конституция – давлат ҳуқуқий тизимининг асоси	156
М.Шамсиева	
Ижтимоий ҳимоя инсон тараққиёти индексини белгиловчи асосий мезон сифатида	159

УДК: 41+8.015.036.0

МЕМУАР АСАРДА МУАЛЛИФ УСЛУБИ ВА ИФОДА ШАКЛИ

АВТОРСКИЙ СТИЛЬ И ФОРМА ИЗЛОЖЕНИЯ В МЕМУАРНОМ ПРОИЗВЕДЕНИИ

AUTHOR'S STYLE AND EXPRESSION FORM IN THE MEMOIR

Г.Қосимова

Аннотация

Мақолада “Бобурнома” мемуар асари муаллифининг ижодий услуби ҳамда ифода шакллари ҳақида сўз юритилади ва таҳтилга тортилади.

Аннотация

В статье исследуется и анализируется творческий стиль и формы изложения автора мемуарного произведения “Бабурнаме”.

Annotation

The article “Baburnoma” highlights the artistic and philosophical peculiarities of the memoir and the important aspects of the author’s image.

Таянч сўз ва иборалар: мемуар асар, муаллиф образи, бадиийлик, фалсафиilik, ижтимоий воқелик, реализм, тарихийлик, муносабат, адабий мерос, эстетик таъсир.

Ключевые слова и выражения: мемуарное произведение, образ автора художественность, философичность, социальная действительность, реализм, историчность, отношение, литературное наследие, эстетическое влияние.

Keywords and expressions: memoir, the image of the author, artistic, philosophy, social event, realism, history, attitude, literary heritage, aesthetic effect.

Заҳириддин Мұхаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари нафақат адабий-мемуар обида бўлиб қолмасдан, балки муаллифнинг табиатдаги, жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга муносабатини ҳам ифодаловчи, Ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни тарихий аспектда кўрсатиб берувчи мухим илмий асар ҳам ҳисобланади. Фикримизча, бугунги кунда жаҳонга машҳур “Бобурнома” илм-фяннинг турли соҳалари мутахассислари томонидан алоҳида қизиқиш билан ўрганилаётганининг сабаби ҳам шунда. Бобурни муаллиф сифатида бошқа адиллардан кескин фарқлаб турувчи хусусиятлардан бири у воқеликнинг шунчаки гувоҳи ёки тасвирловчиси эмас, аксинча, ҳар бир воқеа-ҳодисага ўзининг салбий ёки ижобий муносабатини холис билдиришидир.

Табиатда рўй бераётган ўзгаришлар муаллиф руҳиятига қандай таъсир қилишига қараб, Бобур ана шу ҳодисаларга ё шоир, ёки сайёҳ, баъзан эса табиатшунос сифатида муносабатини билдириб ўтади. Жамиятда кузатилаётган воқеалар, уларнинг яхши ёки ёмон оқибатлари ҳақида фикр юритаётганида эса уларнинг асл сабаби, илдизларини таҳтил қилишга

ҳаракат қиласи. Муаллифнинг яна бир фазилати, “Бобурнома”нинг оммабоплиги сабабларидан яна бири эса унинг табиат ва жамиятдан айри ҳолда яшамаслиги, ҳар бир воқеа-ҳодисага ўзи гувоҳ бўлгачгина қўлга қалам олишидир. “Бобурнома”нинг фақат икки жойидагина эшитганлари асосидаги фикрини қоғозга туширади: бири Навоий ва Биноий ўртасидаги зарофат (аразлашув), иккинчиси Ҳиндистонда учрайдиган гапирадиган тўтилар ҳақидаги лавҳа. Мазкур фактларни ёзаётганида рост ёки ёлғонлигига ишонч ҳосил қила олмаганлиги учун “Вал уҳдату алар ровий”, яъни ёлғон бўлса гуноҳи шу гапни айтганнинг бўйнига, деган иборани қўшиб қўяди.

Халқимизнинг атоқли сўз санъаткорларидан бири, мумтоз адабиётимизнинг машҳур намояндаси, шоҳ ва саркарда Заҳириддин Мұхаммад Бобурнинг бой ва ўлмас адабий мероси неча асрлардан бўён мухлисларнинг, адабиёт мұхібларининг севимли маънавий мулкига айланиб қолган. Мумтоз адабиётимиз тараққиётига бемисл ҳисса қўшган улуғ бобокалонимизнинг муборак номи жаҳон адабиёти сиймолари орасида ҳам муносаб ўринга эга. Шоирнинг маҳорат қирралари, ижод сирлари билан бир қаторда унинг суполаси – бобурий

Г.Қосимова – ФарДУ факультетларо чет тиллар

АДАБИЁТШУНОСЛИК

ҳукмдорларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни масалалари ҳам тарихий, ҳам бадиий жиҳатдан кўп асрлардан буён турлича талқин қилиб келинади.

Шоҳ ва шоирнинг “Бобурнома” асари унинг адабий меросида асосий ўринлардан бирини эгаллади. “Бобурнома”да ўрин олган ҳар бир йил воқеалари бетакор бадиияти, ҳаққонийлиги, ғоялар қамрови, фалсафий-маърифий жиҳатлари туфайли ўзига хос адабий обидадир.

Жаҳон, хусусан, Шарқ адабиётида ҳаётий воқеаларга бағишиланган кўплаб тарихий ва бадиий асарлар яратилгани маълум. Аксарият қалам соҳиблари ушбу мавзуга қўл уриб, ижтимоий-сиёсий воқелик, тарихий шахсларнинг инсоний фазилатлари, шахс эрки ва хуқуки билан боғлиқ муаммоларни ўзига хос йўсинда бадиий ҳамда тарихий талқин қилишга уринганлар.

*Бу олам ажаб аламлар кўрдум,
Оlam элидин турфа ситамлар кўрдум,
Ҳар ким бу “Вақоеъ”ни ўқур, билгайким,
Не ранжу, не меҳнату, не ғамлар кўрдум.* [1]

Шоҳ ва шоир бир лаҳза бўлса ҳам ҳалқ билан алоқасини узмаган. Ҳамиша эл-юрт ташвиши билан яшаганлигини унинг замондошлари ҳам ёзib кетганлар. Жамият билан узвий боғланган ҳолда ижод қилиш Бобур асарларининг ғоявий ва бадиий фазилатларини оширишда, адабиётнинг ҳаёт олдиғаги вазифаларини аниқлашда муҳим роль ўйнаган. Шунинг учун ҳам Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” асарида Бобур ҳақида шундай ёзган эди: “Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор шахс бўлган. У санъатни, адабиётни севган... Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, санъатда, ҳаётда, меъморчиликда ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янгича тараққиёт юз берди”.[1,58]

“Бобурнома”нинг хотима қисмida шоир вақти қанчалар зик бўлганлигини,

*Ҳар ердаким гул бўлса, тикан бўлса не тонг,
Ҳар қайдаки май дурдидан бўлса не тонг.
Шеъримда агар ҳазл, агар жид, кечиринг,
Яхши борида агар ямон бўлса не тонг?! [3]*

Айнан мана шу мазмунни улуғ шоир ўзининг лирик шеърларида ҳам қайта-қайта таъкидлайди:

Аммо барча қалам соҳиблари ҳам Бобур сингари ҳаётийлик ва ҳаққонийлик жиҳатдан юксакликка кўтарила олмаганлар.

Бобур айрим ўзига замондош бўлган кишиларнинг, аввало шахс сифатидаги фазилат ҳамда нуқсонларини, ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрнини, қолаверса, феъл-атворидаги хусусиятларни реал баён этади. Уларга баҳо беради. “Бобурнома” муаллифи яшаган тарихий Ўрта асрлар шароитида бу ўзига хос янгилик, айтиш мумкинки, жасорат ва катта қадам эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур умр бўйи тож-тахт талашуви гирдобларида, турли жангларда, жамиятдаги инқирозли даврларда яшади ва ижод қилди. Ўзининг машақатли умр йўлидан ҳикоя қилувчи “Бобурнома” асарининг охирида ҳам, худди қиссадан ҳисса чиқарган каби, қуидаги рубоийсими битиб қолдирган:

шунда ҳам ижоддан тўхтамаганлигини, воқеа-ҳодисалар қандай рўй берган бўлса, шундайича тасвирлашга аҳд қилганлигини қуидагича ифодалайди:

“Бу битилганлардин ғараз шикоят эмас, рост ҳикояттурким, битибурмен. Бу мастиур бўлғонлардин мақсуд ўзининг таърифи эмас, баёни воқеи бу эдиким, таҳрир этибурмен. Чун бу тарихта андоқ илтизом қилилитурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқеини таҳрир этилгай. Ложарам ота-оғадин ҳар яхшилиқ ва ямонлиқим шое эди, тақрир қилдим ва қариндош ва бегонадин ҳар айб ва ҳунарким баёни воқе эди, таҳрир қилдим.”[2,180]

Бобурнинг яна бир муҳим фазилати ўзгаларнинг камчилик ва нуқсонларини ҳаққоний ва рўй-рост танқид қилишида, ўзи ҳам танқидни тўғри қабул қилишида, ўз асарлари ҳақида бошқаларнинг фикри билан қизиқишида кўринади. Унинг ўзи ҳам бу ҳақда қуидагиларни эътироф этади:

**Бобур, шеърингга гар солса қулоқ ул шоҳинг,
Бўлғусидур сўзунга қадр дури макнунча. [3]**

]

Демак, асар жамиятга фойдали бўлсин учун ҳар қанча ижодий меҳнат талаб қилинса, бажариш кераклиги ғоясини илгари суради.

Худди шу фикрлардан бизнинг мавзумизга алоқадор хусусият ҳам келиб чиқади. Захириддин Муҳаммад Бобур бадиий ижодга қўл уриб, турли образлар яратаетганида, тарихий шахслар ҳақида маълумотларни келтираётганида унга жамиятдаги табақалар вакилларининг психологияси, туриш-турмушини яхши билганлиги қўл келади. Натижада, шоир яратган тарихий сиймолар, образ ва характерларнинг ҳаётийлиги таъминланади. Айниқса, жаҳон олимларини ҳайратда қолдирган “Бобурнома”нинг энг муҳим хислати шундаки, унинг муаллифи нимани баён қилмасин, масалага танқидий қарай олган, асарда ўша даврдаги жамиятнинг барча ноқисликларини бирма-бир очиб берган. У ифода қилган шахслар образида илғор ғоялар билан биргаликда, улар шахсиятида акс этган очкўзлик, фаҳш, золимлик, саркашлиқ, мунофиқлик каби типик ҳоллар ҳам баробар тасвир қилинади.

Бобур асарларининг умумбашарий ғоялар ташиши, бадиий образларнинг мукаммаллиги, характерларнинг ҳаётийлиги шоирни ўз даври анъаналаридан юқори кўтартган хусусиятлардан биридир. Улуғ шоҳ ва шоир кўплаб салафлари, замондошларидан фарқли равишда, замондош хукмдорлар, қариндош-урӯзлар, амир-амалдорлар, хотин-қизлар шахси, образларининг ташки портретига тўхталибина қолмасдан, уларнинг руҳий-маънавий оламига ҳам йўл очди. Бир сўз билан айтганда, шоир яратган қаҳрамонлар, айниқса, замондошларининг образлари муаллифнинг юксак идеалларини ташиш см-1. бирга ҳаётга жуда яқин келдилар. Шоир ўз замонасидан анча олға кетиб, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнига юксак баҳо беради, ўзи билган хотин-қизларга ҳам жинси нуқтаи назаридан эмас, инсоний фазилатлари асосида муносабат билдиради. Шу тариқа, “Бобурнома” мемуар асари муаллифининг ёрқин услуги шаклланади, ифода тарзи эса бадиий-эстетик таъсирчанликни орттиради.

Адабиётлар:

1. Бобур Захириддин Муҳаммад. “Бобурнома”. -Т., 1990.
2. Бобур. Асарлар. Т., 1965.
3. Бобур Захириддин Муҳаммад. Девон. -Т., 1994.
4. Бобурнома жаҳон кезади. -Т., 1984.
5. Жалилов С. Бобур ва Андижон. -Т., 1993.
6. Нуридинов М. Бобурийлар сулоласи. -Т., 1994.
7. Қаюмов А. Захириддин Муҳаммад Бобур. -Т., 1982.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)